

1-жадвал

Дунёдаги йирик фонд биржаларининг капитализацияси бўйича ТОП-10талиқ рейтинг [2]

№	Фонд биржалари номи	2022 йил, млн. АҚШ доллари	2021 йил, млн. АҚШ доллари	Фарқи (2022/2021), %
1.	Nasdaq - US	16 237 594,4	24 557 074,0	-33,9
2.	NYSE	24 060 385,9	23 991 464,2	0,3
3.	Shanghai Stock Exchange	6 724 470,9	8 154 689,1	-17,5
4.	Euronext	6 064 467,4	7 333 653,4	-17,3
5.	Japan Exchange Group	5 380 475,5	6 544 303,5	-17,8
6.	Shenzhen Stock Exchange	4 700 872,1	6 219 831,2	-24,4
7.	Hong Kong Exchanges and Clearing	4 566 809,1	5 434 177,1	-16,0
8.	National Stock Exchange of India	3 387 366,7	3 548 018,5	-4,5
9.	LSE Group London Stock Exchange	3 095 983,4	3 799 459,2	-18,5
10.	TMX Group	2 744 719,7	3 264 137,4	-15,9
Жами:		76 963 145,10	92 846 807,60	-20,6
Жаҳон биржалар федерациясидаги биржалар умумий капитализациясидаги улуси,%		76,06	76,94	-0,88

Унга кўра, дунёдаги йирик фонд биржаларининг капитализацияси бўйича ТОП-10талиқ рейтингидан жой олган биржаларнинг жами капитализацияси ҳажми Жаҳон биржалар федерациясидаги биржалар умумий капитализациясида 2021-2022 йилларда 76,0 фоиз улушдан ортиқни ташкил қилган. Бу эса ўз навбатида ушбу глобла фонд биржаларининг дунё корпоратив бошқаруви муносабатларидаги ўрни муҳим эканлигини англалади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

2022 Annual Statistics Guide / The World Federation of Exchanges (world-exchanges.org);

Муаллиф томонидан манба асосида тузилган: 2022 Annual Statistics Guide / The World Federation of Exchanges (world-exchanges.org)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ

Ж.А.Рахманкулов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг
Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиги*

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 3 декабрда «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-29-сон Фармони ҳамда «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва

камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-31-сон қарори қабул қилинди. Қайд этилган Фармон асосида ҳозирги кунгача ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги жами 819 та маҳаллаларда 743,2 мингта хонадонлар мавжуд бўлиб, ҳоким ёрдамчилари томонидан бугунги кунга қадар 731,5 мингта хонадонларда хатлов ўтказилди. Бу умумий хонадонларнинг 98 фоизини ташкил қилиб, қолган 2 фоиз 11,7 мингта хонадонларда ҳоким ёрдамчилари томонидан хатлов ишлари олиб борилмоқда. Ўтказилган хатлов натижаларида фуқаролар томонидан билдирилган 275,8 мингта хоҳиш-истаклар “Онлайн-маҳалла” платформасига киритилди. Шундан;

17 733 нафар фуқаролар ишга жойлашиш истагини билдирган, (аёллар 8 492 нафар, эркаклар 9 241 нафар);

40 523 нафар фуқаролар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган, (аёллар 25 971 нафар, эркаклар 14 552 нафар);

42 006 нафар фуқаролар кредит олиш истагини билдирган, (аёллар 14 352 нафар, эркаклар 27 654 нафар);

28 786 нафар фуқаролар субсидия олиш истагини билдирган, (аёллар 16 330 нафар, эркаклар 12 454 нафар);

28 987 нафар фуқаролар дехқон хўжаликлари ташкил этиш истагини билдирган, (аёллар 8 710 нафар, эркаклар 20 277 нафар);

104 397 нафар фуқаролар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган, (аёллар 37 392 нафар, эркаклар 67 005 нафар).

Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтказилган хатловда аниқланган хоҳиш-истаклардан келиб чиқсан ҳолда, ҳозирги кунга қадар вилоятда қўйидаги ишлар амалга оширилди:

I. Янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш.

Жами 6 356 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Шундан, 2 970 таси юридик ва 3 386 таси якка турдаги тадбиркор сифатида ташкил этилди. Соҳалар йўналишида 1 207 таси саноат, 4 258 таси хизмат кўрсатиш ва 891 таси қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Ушбу кичик бизнес субъектларида жами 6 950 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

II. Микролойиҳаларни ишга тушириш.

Жами 1 100 та микролойиҳалар ишга туширилди. Шундан хизматлар йўналишида 814 та, саноат йўналишида 127 та ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишида 159 таси фаолият юритади. Микролойиҳаларнинг жами лойиҳа қиймати 199 миллиард 494 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу микролойиҳаларда жами 3 122 нафар фуқароларнинг расман бандлиги таъминланди.

III. Аҳоли бандлигини таъминлаш.

Жами 118 585 нафар аҳоли бандлиги расман таъминланди. Шундан, 68 210 нафари доимий, 3 212 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 33 051 нафари

ўзини-ўзи банд қилиш, 2 637 нафари якка турдаги тадбиркорликка, 1 169 нафари хунармандчилик ҳамда 10 306 нафари ижара асосида берилган ерлар ҳисобига түгри келади.

IV. Оиласвий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредитлаш.

Жами 17 042 нафар фуқароларга 386,0 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Жумладан, саноатда 2 389 та 31,3 млрд.сўм, хизмат кўрсатишда 8 490 та 200,2 млрд.сўм ҳамда қишлоқ хўжалигида 6 163 та 154,5 млрд.сўм. Ушбу имтиёзли кредитлар эвазига 17 234 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

V. Ишсиз фуқароларга ажратиладиган субсидиялар.

Жами 2 949 нафар ишсиз фуқароларга 13 698 млн.сўм миқдоридаги асбобускуналар ажратилди ва шу орқали 3 109 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

VI. Касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш.

Жами 3 666 нафар фуқаролар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Шундан, 947 нафари бандлик курсларида, 339 нафари бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида, 1 337 нафари хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида ҳамда 1 043 нафари нодавлат таълим муассасаларида ўқитилди.

Шулардан 2 077 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, 2 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 449 нафари турли корхоналарга ишга жойлашди ҳамда 1 626 нафари ўзини-ўзи банд қилди.

VII. Дехқон хўжаликлари ташкил этиш.

Вилоятда дехқон хўжаликлари ташкил этиш учун 2023 йилда 10 530 гектар ер майдонлари ажратилиши белгиланган, шундан вилоят бўйича 10 647 гектар ер майдонлари 16 минг 725 та лотларга бўлиниб, "E-AUKSION" савдосига чиқарилган.

Вилоятда дехқон хўжаликлари ташкил этиш учун савдога чиқарилган 10 минг 647 гектар (16 725 та лот) ер майдонларидан 8 минг 256 гектар (13 656 та лот) ер майдонларига (78 фоиз) ғолиблар аниқланган. Бугунги кун ҳолатида 2 391 гектар (3 039 та лот) ер майдонлари аукцион савдоларида турипти.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, маҳалладаги ижтимоий-иктисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, аҳолининг бандлик даражасини, оиласларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилган ҳолда тадбиркорликни ривожлантиришнинг омиллари ва йўналишларини белгилаш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин, бу эса ўз навбатида Қашқадарё вилоятида маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини ошириш бўйича белгиланган чоралар ўз вақтида амалга оширилиб, натижасини бериб келаётганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириши, аҳоли бандлигини таъминлаши ва камбагалликни қисқартиши бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-29-сон Фармони .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиши чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-31-сонли Қарори.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги маълумотлари.

www.qashqadaryo.uz сайти маълумотлари.

РАЗВИТИЕ ТЕРРИТОРИЙ ЧЕРЕЗ ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИЮ РЕГИОНАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ И УЛУЧШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИНСТРУМЕНТОВ

С.Ю.Шатохина

Ташкентский государственный экономический университет

Актуальность. Тема децентрализации системы государственного управления является важным и актуальным направлением в развитии демократических и развивающихся государств. Данная тематика имеет широкий спектр исследований и литературных источников, подтверждающих необходимость и пользу децентрализации в управлении. Литературный обзор включает работы, посвященные опыту различных стран, таких как Япония, страны Евросоюза и другие, а также источники, касающиеся реформирования системы государственного управления в Узбекистане.

Цель. Целью данного исследования является анализ процесса децентрализации системы государственного управления в Узбекистане на основе документов и решений, принятых Президентом страны. Реальная цель заключается в выявлении эффективности и результативности реформ, проводимых в области государственного управления, а также исследовании и обсуждении основных факторов, способствующих развитию децентрализации в Узбекистане.

Материалы и методы. Для достижения целей данного исследования были использованы следующие материалы и методы.

Документальный анализ: в качестве основного источника информации были использованы документы, включая постановления Президента Узбекистана, связанные с процессом реформирования системы государственного управления и децентрализации. Анализ этих документов позволил получить важные сведения о политической воле государства в отношении передачи части функций и полномочий на местный уровень.

Литературный обзор: был проведен обширный литературный обзор, включающий работы и исследования, посвященные децентрализации в различных странах, а также опыту Евросоюза. Были проанализированы научные статьи, книги и отчеты, связанные с децентрализацией в контексте государственного управления. Этот анализ помог установить теоретические основы и научные подходы к децентрализации, а также выявить лучшие практики и опыт других стран.